

ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ ДАСТУРИЙ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ УСУЛЛАРИ

Суяров А.М.,

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, доцент

Аннотация: Билимини назорат қилиш ўқув жараёнини ташкил этишида ҳамда ўқувчиларни ижодий қобилиятларини ривожлантиришида кенг имкониятларни яратади. Дастурий моделлар турли ишлаб чиқариш шароитларида, шу жумладан ўқув жараёнинида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг қулай усул ва методларини яратади

Таянч иборалар: ахборот технологиялари, ахборот технологияларидан фойдаланиши масалалари, имкониятлари ва самарадорлиги, ўқув жараёнинида фойдаланиши учун ахборот технологияларнинг замонавий воситалари.

Таълим жараёнинда интелектуал дастурий тизимдан фойдаланиш янги бир муҳитни яратади, бунда ўқитишнинг замонавий методлари осонгина интеграция қилинади, шу билан бирга ўқитишнинг традицион методларида эришилмаган самарадорлигига эришилади.

Хар қандай жараёнларни дастурий моделлаштириш барча соҳаларда турли модел ва алгоритмлар яратиш технологияларини қўллаш имконини яратмоқда. Дастурий моделлар турли ишлаб чиқариш шароитларида, шу жумладан ўқув жараёнинида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг қулай усул ва методларини яратади.

Дастурий тизимларнинг имитацион компьютерли моделлари талабалар биилимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини, шу билан бирга унинг динамикасига тўғридан-тўғри ёки нисбатан таъсир этувчи кўрсаткичларни баҳоловчи ва таҳлил этувчи жараёнларни амалга оширади.

Замонавий компьютер технологияларидан ўқув жараёнинда талабалар биилимини назорат қилиш ва баҳолашда асосий эътибор мураккаб тизимларни баҳолашнинг математик моделлари ва алгоритмларини яратишга олиб келади. Замонавий компьютер технологияларидан ўқув жараёнинда талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг асосий мақсади турли бошқариш қарорларини қабул қилиш учун муассаса ички имкониятларини аниqlаш ва олинган ижобий натижаларни амалиётга татбиқ қилишдан иборат.

Талабалар билимини рейтинг тизими орқали баҳолашдан мақсад, талабаларда ўқитилаётган фанларни чуқур егаллаш, топшириқлагла ижодий ёндошиш, мустақил фикрлаш, ўз билимини мустақил равишда оширишга

интилиш ҳамда адабиётлардан кенг фойдаланиш каби хусусиятларни ривожлантириш ва ушбу тариқа рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга эришишдир.

Таълим жараёнини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири талабалар билимини холисона баҳолаш имконини берувчи билим, малака ва кўникмани назорат қилишнинг тезкор тизимини яратишдан иборат. Бу талабаларнинг билим олишидаги бўшлиқларни аниқлаган ҳолда уларин камайтириш учун хизмат қиласи. Шунинг учун ҳам талабалар билимини назорат қилиш масаласи ҳам педагог ҳам ахборот технологиялари бўйича мутахассис сифатида кўплаб олимларни қизиқтириб келишган. Бугунги кунда ҳам традицион ҳам компьютерли ўқитишида талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилишнинг катта сондаги турли усуллари мавжуд.

Хоизирги кунда ўқув юртлари компьютерлар билан жиҳозланган бўлиб, ўзининг локал тармоғига эга, Интернет тармоғига уланган, бу эса олинган билимларни баҳолашнинг традицион методларидан янги назорат қилиш технологияларига ўтиш имконини беради.

1. Техник воситаларидан фойдаланиб билимни назорат қилиш.

Бунда текширишни назорат қилишнинг иккита усули мавжуд:

- талаба ўқитувчидан индивидуал топшириклар тўпламини олгандан сўнг, уни бажаради ва қурилмага ўзининг вариант номерини ҳамда ҳар бир топшириқнинг жавобини киритади, қурилма эса киритлган жавобларни текширади, бажарилган иш учун баҳони ҳисоблайди ва чиқаради;
- қурилма ҳам топширикларни киритиш, ҳам киритилган жавобларнинг корректлигини текшириш, ҳам назорат жавоблари ёки баҳоларни чиқариш учун фойдаланилади.

2. Компьютерли билимларни текшириш. Бундай ҳолда текширишни ташкиллаштириш қуйидагиларга йўналтирилган:

- биринчидан, ўқитувчи меҳнатини енгиллаштириш учун, йъани уни ёзма ишларни қўл билан текшириш ишларидан озод қилиш. Натижада ўқитувчи кўпроқ вақтини талаба билан индивидуал шуғулланиш имконига эга бўлади.
- иккинчидан, билимларни текшириш ва баҳолаш жараёнининг холисоналиқ даражасини ошириш учун. Билимларни назорат қилиш маҳсус сомптер дастурлари орқалин амалгам оширилади, бунда ҳар бир талабага назорат ишларининг индивидуал тўпламини шакллантириш, топширикларни экранга чиқариш, талабанинг жавобини таҳлил қилиш, баҳо қўйиш, ўқитиш дастури ёрдамида назорат натижаси ва талабанинг иши тўғрисидаги маълумотларни саклаш амалгам оширилади. Бу маълумотлардан ўқитувчи ўзининг иш фаолияти давомида фойдаланиши мумкин.

Билимларни компьютерли назорат қилиш муаммоси икки тарзда қаралади: услугбий ва техник. Билимни назорат қилишнинг услугбий тарзи педагогик ва психологик масалаларни ечиш билан боғлиқ, яъни билимни назорат қилишни ташкиллаштириш дидактик нуқтаи назардан қаралади. Услубий тарзга қўйидагилар киради:

- талабанинг билими, малакаси ва кўникмасини текшириш учун топшириқларни танлаш, яъни нимани назорат қилишни аниқлаш;
- билимни назорат қилишни режалаштириш, қачон назорат қилишни аниқлаш;
- назорат ишлари тўпламини шакллантиришга қўйилган талабларни аниқлаш, яъни қандай назорат қилишни аниқлаш.

Билимни текширишнинг традицион формаларига қараганда билимни, малакани ва кўникмани компьютерли назорат қилиш бир қанча устунликларига эга: талabalар билимини текшириш ва баҳолашда янги методлар, замонавий ахборот технологиялари, талabalарнинг индивидуал характеристикаларига адаптация имкониятини қўлланилиши.

Ўқув жараёнида компьютер технологиясидан фойдаланиш назорат қилиш мақсадини жуда аниқ ва бирқ қийматли аниқлашни, ўтказилаётган назоратнинг мақсадини билган ҳолда талabalар билими ва малакасини текшириш учун услугбий материалларни танлашни, шу билан бирга назорат қилиш ва билимни баҳолаш моделини яратишни талаб қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ф.Закирова ва бошк. Электрон укув-методик мажмуалар ва таълим ресурсларини яратиш методикаси. Методик кулланма, Т.: ОУМТВ, 2010. - 576.
2. Суяров А.М. Ways and models of providing integration of information technology science with mathematical sciences. «E3S Web of Conferences». Indexed by SCOPUS and submitted for indexing to Web of Science (CPCI) «E3S Web of Conferences» 402, 03016 (2023).
3. Суяров А.М. Formation of information and communication competence of the teacher as an one of the main tasks of modern education. Web of Scientist: International Scientific Research Journal. Volume 4, Issue 4, April-2023.-C.243-257.
4. Henner E.K., Shestakov A.P. (2004). Information and communication competence of a teacher: structure, requirements and measurement system // Informatics and education. - No. 12.- P. 5 - 9.
5. Panina T.S., Dochkin S.A., Kletsov Yu.V. (2010). Levels of information and communication competence of pedagogical workers. - M.: Profi, 158 p.